

*Кон-геология вазирлигининг*

*2023 ийл 12 апрелдаги*

*27-сонли бүйргүгига*

*18-ИЛОВА*

## **Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг коррупцияга қарши Ички назорат бўлими фаолияти тўғрисидаги НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг коррупцияга қарши Ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) мақсади, вазифалари, ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### **I-боб. Умумий қоидалар**

1. Ички назорат бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлар, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларга, Тоғ-кон саноати ва геология вазири қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

2. Ички назорат бўлими Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) ва унинг таркибий бўлинмаларида Коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва оддини олиш, уларнинг сабаб ва шартшароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

### **II-боб. Вазирликнинг Ички назорат бўлимийини ташкил этиш.**

3. Ички назорат бўлими ўз фаолиятида Вазирга бўйсунади.

4. Ички назорат бўлими бошлиғи Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўtkaziladigan очик танлов асосида ишга қабул қилинади.

5. Ички назорат бўлими бошлиғини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, Вазирлик томонидан Агентликка Ички назорат бўлими бошлиғини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

### **3-боб. Ички назорат бўлимининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари**

6. Ички назорат бўлимининг асосий мақсади Вазирликда ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш, Вазирлик тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, Вазирлик тизимида коррупцияга қарши профлактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

7. Куйидагилар Ички назорат бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

Вазирликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профлактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишланини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлини олиб бориш.

8. Ички назорат бўлими ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади.

а) Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

- Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

- Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирга киритади;

- Вазирликнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва ички идоравий хужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

- Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

- Вазирликда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни киритиб беради.

б) Вазирликда коррупцияга оид хуқуқбузарликларни профлактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳаси:

- Вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чоратадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва Вазирликда коррупциявий хавф-хатари юкори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

- Вазирлик томонидан ўхшаш хуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий хуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

- маҳсус алоқа каналлари орқал Вазирлик ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва хуқуқбузарликақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласди ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлади;

- Вазирликда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қиласди;

- давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва Вазирлик билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

- Вазирлик ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

- коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган маҳсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қиласди ва таҳлилий материалларни Вазирлик ходимларига етказади;

- Вазирлик фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

- коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қиласди;

- коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирликда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласди;

- ҳар чоракда ва Вазир талабига кўра Вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида биринчи раҳбарга маълумот киритиб боради;

в) Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида Вазирликга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қиласди ва назоратини амалга оширади;

- Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

- Вазирлик ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўкув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишида иштирок этади;

- Вазирлик ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўкув материалларни ишлаб чиқади;

- ўкув режага мувофиқ Вазирликнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилиши ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қиласди;

- Вазирлик ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

- Вазирликнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидағи сахифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгилаб борилишини таъминлайди;

- Вазирлик ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Вазирликнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қиласди;

- Вазирликдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унга иштирок этади;

- Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга олиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва макуллигини текширади;

- амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

- Вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- Вазирлик фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказиш.

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, Вазирликда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишида иштирок этади;

- қонунчилик ҳужжатлари билан Вазирлик зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

- коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда хуқукини муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласи.

Ички назорат бўлими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

12. Ички назорат бўлимига ва унинг ходимига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юкланишига йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Ички назорат бўлимининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

13. Ички назорат бўлими ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

- ўзи фаолият юритаётган Вазирлик ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

- хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида Вазирлик ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

- Вазирлик ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий хуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

- Вазирга коррупцияга қарши қурашиш тизимини такомилаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- ўз фаолияти доирасида Вазирликга ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

- Вазирликнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

- текширув ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш;

- Ички назорат бўлими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Ички назорат бўлими ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги мажбуриятларга эга:

- ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

- қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

- Вазирликда жиноят аломатлари, хусусан, коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри Вазирга ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

- Вазирликнинг коррупцияга қарши қурашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан Вазирга маълумотнома киритиш;

- ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши қурашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисида чораклик ҳисоботлар Вазирга ва коррупцияга қарши қурашиш Агентлигига тақдим этиш;

- Ички назорат бўлими ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

15. Ички назорат бўлими ходимлари коррупцияга қарши қурашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренингларда иштирок этади. Ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренинглар Вазирлик ёхуд Коррупцияга қарши қурашиш Агентлиги томонидан ташкил этилиши мумкин.

16. Ички назорат бўлими фаолиятининг натижалари Вазирликда коррупцияга қарши қурашиш тизими самарадорлик ва мақсадли кўрсатгичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Ички назорат бўлими фаолиятининг мақсадли кўрсатгичлари Вазир томонидан тасдиқланади.

Ички назорат бўлими фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

## **5-боб. Якуний қоидалар**

17. Ушбу Низом талабларини бузганликда айборд деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қурашиш Агентлигининг “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий Низоми”га мувофиқ ишлаб чиқилган.